МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✱ 2013 йил 6 февраль. Чоршанба №11 (871) ✱ www.mahallagzt.uz ✱ info@mahallagzt.uz

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 5 февраль куни Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги, Афғонистон Ислом Республикаси, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Николя Брюль, Муҳаммад Нур Усмон Юсуф Балқар, Муҳаммад Содиқ Даудзай, Гусейн Кулиев ишонч ёрлиқларини топширди.**

Президентимиз дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини Ўзбекистонда шарафли ва масъулиятли вазифани бошлаётгани билан самимий қутлади ва ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятига муваффақият тилади.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида анъанавий конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатлар йўлга қўйилган. Икки мамлакат ҳам ўзаро алоқаларни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдор.

Ўзбекистонда бугунги кунда Швейцария капитали иштирокида тузилган 82 корхона фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ишбилармон доиралари иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори технологик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирмоқда.

Николя Брюль ўзаро муносабатларни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади ва бу борада бор куч ва имкониятларини ишга солишга тайёр эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон ва Иордания турли соҳаларда, аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти сингари кўп томонлама тузилмалар ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик бўйича салмоқли тажриба тўплаган.

Мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро алоқаларни фаоллаштиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Иордания элчиси Подшоҳлик раҳбарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан ишончли тарзда барқарор ривожланаётган Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади. Ўзбекистон изчил тараққий этаётгани ўзаро муносабатларни турли соҳаларда ривожлантиришда янги имкониятлар очаётганини қайд этди.

Афғонистон элчиси билан суҳбат чоғида таъкидланганидек, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги тарихий дўстлик ришталари, кўп асрлик яхши қўшничилик ва ўзаро ёрдам анъаналари бугунги кунда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклашда ҳамиша муҳим ўрин тутиб келган ва тутмоқда. Ўзбекистон иштирокида Ҳайратон – Мозори шариф темир йўли қурилди ва ундан самарали фойдаланилмоқда, бошқа инфратузилма лойиҳалари амалга оширилди. Афғонистоннинг шимолий ҳудудларига, Кобул шаҳрига узлуксиз электр энергияси етказиб берилмоқда.

Муҳаммад Даудзай Ўзбекистоннинг Афғонистон иқтисодиётини тиклаш борасидаги ёрдами Афғонистонда чуқур миннатдорлик билан қабул қилинаётганини алоҳида таъкидлади. Афғонистон Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни чуқурлаштиришга алоҳида аҳамият қаратаётганини, бугунги кунда мамлакатимиз иштирокисиз минтақавий муаммоларни конструктив ва адолатли ҳал қилишни тасаввур этиш қийин эканлигини қайд қилди.

Озарбайжон Республикаси элчиси билан мулоқот чоғида Ўзбекистон-Озарбайжон ҳамкорлиги деярли барча йўналишларда изчил ва муваффақиятли ривожланаётгани таъкидланди. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар икки томонлама ҳамкорликка доир ва жаҳон миқёсидаги долзарб масалаларни очиқ муҳокама қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2012 йил октябрь ойида Озарбайжонга расмий ташрифи савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик равнақига янги суръат бахш этди.

Гусейн Кулиев авваламбор давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик борасида тўпланган тажрибани янада бойитиш, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилувчи янги қўшма лойиҳалар ва келишувларни изчил ҳаётга татбиқ этишни ўзининг элчи сифатидаги муҳим вазифаси деб билишини таъкидлади.

ЎзА.

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

# ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР БОЛАЛАРИ



**Фахр билан айтиш жоизки, бугун ёшларимиз халқаро миқёсдаги кўплаб фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, турли санъат анжуманларида истеъдодларини намойиш этиб, юртимиз довруғини дунёга ёймоқда. Бундай ютуқларнинг тамал тоши умумтаълим мактабларида қўйилаётир.**

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига кўра, юртимизда минглаб муҳташам ўқув бинолари бунёд этилди. Биргина 2012 йили 14 та янги уй-жой массивида замонавий мактаблар барпо этилди, 187 та умумтаълим муассасаси реконструкция қилиниб, 162 таси капитал таъмирланди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ёш авлодга замон талабларига мос таълим бериш учун барча шарт-шароит муҳайё этилди. Лаборатория хоналари ва компьютер синфларидаги замонавий жиҳоз ва ускуналар ёшлар ихтиёрида.

Ортда қолган 2012 йилда нафақат умумий ўрта таълим, балки ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим тизимида ҳам юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш ишлари изчил давом эттирилди. Хусусан, умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган қизларни касб-ҳунар коллежларида ўқишга тўлиқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 450 минг нафардан ортиқ битирувчи муқим иш жойига эга бўлди.

> [4]



## РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

**ЖИЗЗАХ**

Вилоятнинг Фориш ва Янгиобод туманларида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамкорлигида «Агар аёл тадбиркор бўлса...» лойиҳаси доирасида ўқув-амалий семинарлар ўтказилди.

**НАМАНГАН**

Вилоятда Фарғона водийси ёшларининг минтақавий конференцияси бўлиб ўтди. Ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган ахборот-тушунтириш ишлари самарадорлигини ошириш, бу борада жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ёшларни оммавий маданият, мафкуравий хуружлар, диний экстремизм каби иллатлар таъсиридан асраш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда Фарғона водийси вилоятларида ёшлар масалалари бўйича жамиятнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган мутахассислар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

**СИРДАРЁ**

Сирдарё туманида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлинмаси томонидан «Маҳаллалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари касбий малакасини оширишнинг аҳамияти» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият юритаётган ходимларнинг касбий билим даражасини аниқлаш, шунингдек, фаолият самарадорлигини ошириш йўлларини тушунтириш, маҳалла нуфузининг ошишига тўсқинлик қилаётган камчиликлар бўйича фикр-мулоҳазаларни ўрганишдан иборатдир.

ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИДА

# ДАСТУРЛАР ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҲАМОҲАНГ

**Сир эмас, бугунги кунда дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси минтақанинг бошқа мамлакатларидаги молиявий-иқтисодий барқарорликка бевосита боғлиқ бўлиб қолди.**

Айтайлик, жаҳоннинг ривожланган илғор давлатларидан бирида юзага келган ижтимоий ёки иқтисодий муаммо шу куниёқ қўшни давлатларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. АҚШ ипотека тизимида бошланган тангликни эсга олайлик. Бу ҳолат кўп ўтмай бутун Европа қитъасига ёйилди. Банкларнинг тўлов қобилияти пасайиб, сармоядорлар кўнглига ғулғула тушди.

Талаб ва савдо-ишлаб чиқариш ҳажмида жиддий номутаносиблик юзага келди. Хусусан, иш ўринларининг қисқариши ҳануз ижтимоий норозиликларга сабаб бўлаётир. Кўплар ишинигина эмас, кредитга олган уй-жойини, йиллар давомида тўплаган сармоясини йўқотди. Ҳукуматлар, «катта йигирмалик» аъзолари ҳамда мутахассислар тез-тез маслаҳатлашиш учун тўпланишмоқда. Айниқса, Франция ва Германия раҳбарлари еврохудудни талафотсиз сақлаб қолишга жон-жаҳдлари билан уринишаётир. Аммо натижа ҳадеганда бўй кўрсатаётгани йўқ.

Италия ва Греция ҳукуматлари йиллик ялпи ички маҳсулот ҳажмидан ошиб кетган давлат қарзини бартараф этиш, дефольт ҳолатига тушиб қолмаслик учун давлат харажатларини, масалан, ойлик иш ҳақи ва пенсиялар миқдорини камайтиришга мажбур бўлди. Мазкур давлатлар аҳолиси эса, бундай кескин чора-тадбирларга нисбатан норозилик билдирмоқда.

> [3]

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИДА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК

**Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги белгилаб берилган.**

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, маҳалла жамоатчилик назоратини олиб боришда шундай салоҳият ва имкониятга эгаки, ундан самарали фойдаланиш «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқаришнинг муҳим шартидир. Бу масалада «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан мустаҳкам тизим яратилди.

Айни пайтда биргина Андижон вилоятида 967 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатяпти. Уларнинг барчасида турли соҳалар бўйича комиссиялар билан бир қаторда Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси ҳам шакллантирилган. Бу комиссиялар ўзининг номи ва йўналиши билан ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган.



> [2]

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

# МАНЗИЛЛИ, АДОЛАТЛИ ВА ОШКОРА

**Фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссияси маҳалладаги эҳтиёжманд оилаларни ҳисобга олиш, уларга ҳар ойлик моддий ёрдам, вояга етмаган болалари бор оилаларга нафақа, ишламаётган ва бюджет ҳисобидаги корхона, ташкилотда ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлайдиган ва тўлайдиган тузилма ҳисобланади.**

Бу эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига бир қатор масъулиятли вазифаларни юклайди. Аввало, мазкур масалада тенглик, адолат билан давлат бюджети маблағларини аниқ ва манзилли тарзда эҳтиёжманд фуқароларга етказиш талаб этилади. Ушбу соҳадаги тартиб-қоидани такомиллаштириш ва фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида 2012 йил 12 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

Қарорнинг мазмун-моҳияти, уни амалга ошириш механизмини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ишлари Сирдарё вилоятида аниқ режа ва дастур асосида ташкил этилмоқда. Давра суҳбатлари ва тарғиботларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Маънавият тарғибот маркази, «Оила» илмий-амалий маркази, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, молия, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт бошқармаларининг тажрибали мутахассислари жалб этилаётир.

> [2]

ЭЪТИРОФ

# АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРДАН ҲАМИША ЗАВҚ ОЛАМИЗ

**Мустақиллик йилларида дунёнинг барча давлатларидан сайёҳларнинг юртимизга ташрифи ва халқимиз ҳаёти билан танишиши учун кенг имкониятлар яратилди.**

Бугунги кунда хорижлик меҳмонлар нафақат қадимий шаҳарларимиз, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб, халқимиз эришаётган улкан муваффақиятлар билан яқиндан танишмоқдалар.

— Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари каби Жиззах вилояти ҳам обод ва кўркам бўлиб бораётгани қувонарли, — дейди АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Крол. — Айниқса, таълим ва маданий-маърифий муассасалар қурилишига катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Обод жойда турмуш фаровон, одамлар кайфияти кўтаринки бўлади. Педагогика институти талабалари билан учрашувда ёшлар кўзида бугунги ҳаётидан мамнуният акс этиб турганига гувоҳ бўлдим. Вилоят ўлкашунослик музейида ўзбек халқининг ўз анъана ва қадриятларини ғоят асраб-авайлашини, аждодлар хотирасига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш борасидаги хайрли ишларини кўрдим. Ўз тарихига ҳурмат, келажакка ишонч билан яшаётган, турмушини фаровон этиш йўлида улкан ишларни амалга ошираётган одамлар билан учрашиш ҳамиша завқлидир.

— Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликлари, бой маданияти билан яқиндан танишман, — дейди болгариялик сайёҳ Валерий Доневски. — Бугунги кунда халқингиз маданий бойликларини асраб-авайлаш билан бирга, янги-янги замонавий иншоотлар барпо этаётгани, маҳаллалар қиёфаси бутунлай ўзгариб бораётгани ҳавасимни келтирди. Жиззахда спорт иншоотларини қуриш борасида бекиёс ишлар бажарилибди. Шу ўринда халқингизнинг қадимий миллий ўйинлари қадр топаётганини, чунончи, улкан замонавий отчопар қурилганини айтиб ўтиш жоиз. Мактаблар, коллежлар, шифохоналар билан бирга, бундай улкан спорт иншоотларининг барпо этилаётгани мамлакатингизнинг обод, халқингизнинг ҳаёти тобора фаровонлашиб бораётганини кўрсатади.

— Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳатим давомида Жиззахда ҳам тўхтаб ўтаётганимдан жуда мамнунман, — дейди германиялик сайёҳ Петер Хартел. — Бу ерда хорижий мамлакатлардан келган сайёҳлар учун қизиқарли жойлар кўп экан. Одамлар турмуши фаровон бўлган жойда меҳмон ҳам хурсандчилик билан кутиб олинади. Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида бўлгани каби бу ерда ҳам меҳмонни жуда самимий кутиб олишлари менда ҳавас уйғотди. Янги бунёд этилган кўплаб гўзал иншоотларни, обод маҳаллаларни кўриб, одамлардаги меҳмоннавозликнинг моҳиятини англаб етдим.

Бу каби эътирофлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонни изчил тараққий эттириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича узоқни кўзлаб олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётганидан далолатдир.

Бек НАЗАР.

ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИДА

# ДАСТУРЛАР ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ҲАМОҲАНГ

< [1]

Бундан беш-ўн йил аввал Европанинг Испания, Греция, Португалия каби ривожланган мамлакатлари бугун бошдан кечираётган иқтисодий мураккабликларни ҳатто тасаввур қилиш қийин эди. Вазият шунга олиб келдики, эндиликда бу давлатлар халқаро донор ташкилотларнинг ўта оғир шартларига кўнишга, мураккаб кўрсатмаларини бажаришга мажбур.

Мамлакатимизда молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида тегишли чора-тадбирлар ўз вақтида кўрилди. Шунингдек, иқтисодий тараққиёт моделининг мақсадли равишда изчиллик билан қўлланилиши, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, диверсификациялаш ва модернизациялаш дастурининг амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда ўсишига, иқтисодиётнинг макроиқтисодий мувозанатлигини таъминланишига, шунингдек, молия-банк тизимида кредит қобилияти ва инвестициявий фаоллик барқарорлигига эришилди. Шу боис, мамлакатимизда сўнгги йиллар мобайнида давлат бюджети профицит билан ижро этилмоқда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир кўзда тутилган барча лойиҳалар тўла-тўкис амалга оширилаётир. Энг муҳими, республикамизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатининг қулоч ёзиши, хусусий секторнинг ривожланиши, бу соҳада фаолият юритаётганлар давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиши, солиқ-бюджет сиёсатининг самарадорлиги турли соҳаларда кўплаб янги иш ўринлари яратилишига асос бўлмоқда. Бу эса аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бандлик муаммосининг ҳал этилишига ижобий таъсир кўрсатаётир.

Шуниси қувонарлики, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда 2013 йилги Давлат бюджетида халқ фаровонлигини ошириш бирламчи мақсад-вазифа сифатида акс этган. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида бу вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди. Иқтисодиётнинг жорий йилда ҳам юқори ва барқарор суръатларда ўсишига эришиш, макроиқтисодий мувозанатни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа тармоқларини изчил ривожлантириш, иш ҳақи, пенсия ва турли нафақалар миқдорини муттасил ошириб бориш, аҳолининг кам даромадли, иқтисодий кўмакка муҳтож қисмини ижтимоий қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир.

Жорий йилда иқтисодиётни ислоҳ этишни кенг қамровда давом эттириш, таркибий ўзгартиришни чуқурлаштириш ва диверсификация қилиш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш объектларининг ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини жадаллаштириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш кўзда тутилаётир.

Маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган хизмат турларини янада кенгайтириш, бунинг учун қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳалари имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳам кутилган самарани беради.

Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўлларини кенгайтириш ва қайта қуриш лойиҳаларини амалга ошириш, темир йўл коммуникацияларини ҳамда телекоммуникация тармоғи кўламини кенгайтириш ва модернизация қилиш орқали транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашга эришиш зарур.

Бундан ташқари, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қуриш дастурини мунтазам равишда йўлга қўйиш ва давом эттириш, барпо этилаётган турар-жой массивларида ижтимоий инфратузилма объектлари, жумладан, ичимлик суви тармоғи, электр линиялари, газ тармоқларини ва ички автомобиль йўлларини ишга тушириш борасидаги ишлар давом эттирилади.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор бериш кун тартибидаги масалалардан биридир.

Ўтган йиллардаги каби, ушбу йилда ҳам солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлари ва аҳоли учун солиқ юкини янада пасайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Яқин келажакка мўлжалланган дастурда кўзда тутилган муҳим вазифалардан бири, шубҳасиз, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш воситаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашни янада жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилишдан иборатдир. Ушбу мақсадлар учун ажратиладиган 13 миллиард доллар миқдоридаги маблағнинг 75 фоизи ички манбалар, қолган қисми эса жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳисобига тўғри келади. Жорий йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жой қурилиши кўлами янада кенгаяди. Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш, Юртбошимиз таъкидлаганидек, қишлоқ аҳли ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий мазмунидан иборат.

Президентимизнинг 2011 йил 30 майдаги қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури ҳаётга татбиқ этилаётир. Мазкур Дастурни амалга ошириш учун республикада тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тадбирларига, шунингдек, кўрсатиб ўтилган тоифадаги аҳолини мақсадли йўналиш бўйича даволаш ва соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишга, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга бюджетдан тегишли миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Жорий йилнинг давлат бюжетида халқимиз турмуш даражасини янада ошириш, харид қувватини мустаҳкамлаш, илм-фан, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларни мутаносиб равишда ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, «Обод турмуш йили»да ижтимоий ҳимоя лойиҳаларини янада кўпайтириш кўзда тутилган. Бу вазифалар, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва мавқеини юксалтириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича олдимизга қўйган улуғ мақсадларимиз билан ҳамоҳангдир.

Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлари доктори.

ХУШХАБАРЛАР

## Форс кўрфази сари

**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Афғонистоннинг Кобул шаҳригача ва кейин Эронгача темир йўл қуриш лойиҳасида иштирок этиши мумкин.**




Компания хабарларига қараганда, «Ўзбекистон темир йўллари» Афғонистонда ҳозиргача 106 километр темир йўл қурган. Эндиликда Кобулгача ва сўнг Эронгача янги йўл қуриш мўлжалланмоқда. Бу эса, Форс кўрфази бандаргоҳларига чиқиш имкониятини беради.

Эслатиб ўтамиз, 2010 йил охирида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Афғонистонда биринчи темир йўл магистрали — «Ҳайратон — Мозори — Шариф» линиясини қуриб битказди. Бу лойиҳа учун Осиё тараққиёт банкининг 165 миллион АҚШ доллари миқдоридаги гранти ажратилган эди.

## Солиқчилар маслаҳат беради

**Республика Давлат солиқ қўмитаси маслаҳат телефон линиясини (244-89-19) ишга туширди.**

Бу ҳақда қўмита матбуот хизмати маълум қилди. Энди ушбу рақам орқали Давлат солиқ қўмитасининг етакчи мутахассислари солиқ қонунчилигига оид барча масалалар юзасидан аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб берадилар.

Телефон линияси кечаю кундуз узлуксиз ишлайди. Қўнғироқ қилган фуқаро ўзини таништириб, саволини лўнда ва тушунарли тарзда баён этиши зарур. У, шунингдек, ўз телефон рақамини қолдириши керак. Қўмита вакиллари саволни ёзиб олади. Етакчи мутахассислар томонидан саволга тўлиқ жавоб тайёрлангач, узоғи билан икки кунда фуқарога аниқ жавоб қайтарилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу хизмат аҳоли учун жуда қулай ва фойдалидир. Фуқаролар истаган вақтларида қўнғироқ қилиб, солиқ қўмитасининг юқори органидан ўзларини қизиқтираётган масалалар бўйича маслаҳат олишлари мумкин.

## Чакана хизматлар маркази

**Пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида «Алоқабанк»нинг биринчи чакана хизматлари маркази ўз фаолиятини бошлади. Бу ҳақда банк матбуот хизмати хабар берган.**



Эътиборли томони шундаки, мазкур минибанк дам олиш кунларисиз, соат 7.00 дан 22.00 гача мижозларга хизмат кўрсатади. Бу ерда барча турдаги улгуржи банк хизматлари кўрсатилади. Хусусан, 11 та халқаро пул ўтказмалари, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловлар, омонатларни қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахслар учун кредитлар бериш шулар жумласидандир.

Банк ходимларининг билдиришича, ушбу марказ кун бўйи ишда бўладиган мижозлар учун, айниқса, қулай. Бу ерга эрталаб ёки ишдан кейин бемалол келиб, хизматлардан фойдаланиш мумкин.

## Иш ўринлари ярмаркаси

**Жорий йилнинг 15 март куни Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» кўргазма павильонларида «JobFair2013» 6-ихтисослаштирилган иш ўринлари ярмаркаси очилади.**

Тадбир «MyJob.uz» иш тармоғи ва «Карьера +» газетаси томонидан ташкил этилмоқда. Шунингдек, 18-25 март кунлари «JobFairOnline2013» интернет тармоғида бўш иш ўринлар бўйича иккинчи онлайн-ярмарка бўлиб ўтади.

Ярмарка иш берувчилар ва ишга жойлашишни хоҳловчилар ўртасида алоқа ўрнатишга хизмат қиладиган йирик анжумандир.

Бу йил «Job Fair 2013» ярмаркасида 150 дан зиёд иш берувчи компания ва 8 минг нафар иш қидирувчи иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, «JobFairOnline2013» интернет тармоғида бўш ўринлар бўйича иккинчи онлайн-ярмаркада 2 мингта компания ва 15 минг нафар иш изловчи қатнашиши кўзда тутилган.

Онлайн-ярмарка www.jobfair.uz портали орқали амалга оширилади. Иштирокчилар рўйхатдан ўтишлари зарур.

ҲАМКОРЛИК

# КЎНГИЛДАН, ОИЛАДАН БОШЛАНГАН ТУЙҒУ

**Шарқда азалдан оилага муқаддас қўрғон сифатида қараб келинган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач эса, оила тинчлиги ва фаровонлиги бевосита давлат ҳимоясига олинди. Бу ҳам миллий қадриятларимиз илдизлари мустаҳкамланаётганидан далолатдир.**




Муҳтарам Юртбошимиз таклифлари билан жорий йил «Обод турмуш йили» деб номланди. Бу эса, ўтган йиллардан бошланган хайрли ишлар бардавомлигидан далолатдир. Туманимизда 2 та шаҳарча, 6 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Уларга қарашли 33 та маҳаллада 23 мингта оила истиқомат қилади. Аҳоли сони 130 минг нафарни ташкил этади. Уларнинг аксарияти ёшлар эканини эътиборга молик.

Навқирон авлод вакиллари иштирокида «Оила — муқаддас қўрғон», «Мустаҳкам оила — юрт таянчи» мавзуларида суҳбатлар ўтказяпмиз. Балоғат ёши, никоҳ масъулияти, рўзғор юритишга тайёргарлик, бола тарбияси талаблари ҳақида жонли мулоқотлар олиб боряпмиз. Туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, «Саломатлик» маркази ходимлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатимиз яхши самара бермоқда. 7 та касб-ҳунар коллежи ва 53-умумтаълим мактабида турли мавзуга оид тадбирлар ўтказдик. Балоғат ёшига етмай турмуш қуришнинг аянчли оқибатлари, оила юритишдаги тажрибасизлик, бола тарбиялашнинг иқтисодий асосларига бағишланган таъсирчан тарғиботлар натижасида 1532 та янги ташкил этилган оиланинг барчасида тотув ҳаёт давом этмоқда.

Қувонарлиси, никоҳдан олдинги тиббий кўриклар оила қураётган ёшларнинг ўзи ва бўлажак турмуш ўртоғининг соғлиғидан хабардор қиладики, бу улар ўртасида ўзаро ишончни янада мустаҳкамлайди. Яқин қариндошларнинг оила қуриб носоғлом зурриётларни вужудга келтиришлари номақбуллигини ёшлар ҳам тушуниб етишди.

Дарҳақиқат, ҳар томонлама етук оилани шакллантиришда тушунтириш, тарғибот-ташвиқот, ҳуқуқий, тиббий саводхонликни оширишга қаратилган ишлар изчиллиги муҳим аҳамият касб этади. Бундай юмушларни, асосан, бўлимимиз қошида ташкил этилган «Ёш оила қурувчилар мактаби», «Оила университети», «Намунали оилалар ибрати» ўқув машғулотлари орқали амалга ошируяпмиз. Масалан, «Намунали оилалар ибрати» университетида ҳар бир маҳалладаги энг ибратли, яъни мустаҳкам оилалар тажрибаси алоҳида ўрганилиб, оммалаштирилади. 50-60 йилдан буён аҳил яшаб келаётган чолу кампирлар ўгитларига қулоқ солиш ёшлар учун муҳимлиги уқтирилади. Уларнинг обод оилаларга ташрифи уюштирилади.

«Учтепа» маҳалласидаги Нусрат Ҳасанов хонадон томорқасидан унумли фойдаланиб келаётган ибратли оилалардан биридир. Бу хонадон дастурхони тўкин. Уларнинг турмуш тажрибасини ўрганаётган ёш оилалар кам бўлмаяпти.

Йилдан-йилга оила қурувчилар сони ортиб бораётир. Жорий йил масъулияти янада залворли. Обод турмушга эришишда оила соҳибларининг тегишли идоралар, жамоалар билан ҳамкорлиги зарур. Шу боис, кўпроқ хонадонларда бўлиш, маҳаллалар билан алоқани янада мустаҳкамлаш, биргаликда ишлаш ниятидамиз. Негаки, ободлик кўнгилдан, оиладан, бирдамликдан бошланади.

Сайёра ТУРСУНОВА,
Оқдарё тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси.

ФЕРМЕР — ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ

# ҲАР КУНИ БИР ЎЗГАРИШ ГУВОҲИМИЗ

**Миришкор туманидаги Жейнов қишлоқ фуқаролар йиғини истиқлол эпкинларидан чирой очаётган масканлардан. Айниқса, «Янгижейнов» ва «Анхўй» маҳаллаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари намунали йўлга қўйилган.**

Кенг ва равон кўчалар, батартиб экилган дов-дарахтлар, аҳоли турар-жойларидаги саранжом-саришталик кишининг ҳавасини келтиради.

— Бизнинг қишлоқда ҳар куни бир ўзгариш рўй бераётир, — дейди «Янгижейнов» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Гулханов. — Кейинги йилларда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди: маҳалламиз ҳудудида Жейнов саноат касб-ҳунар коллежи, «Жейнов» савдо мажмуаси, шифохона, Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази бинолари барпо этилди. Бу эса, айниқса, ёшларга қулайлик ва янгича имкониятлар тақдим этди, қишлоқ инфратузилмасига ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди. Қолаверса, «Янгижейнов»да ҳам хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик кенг қулоч ёймоқда. Натижада ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

Маҳаллада кўплаб ишбилармон ва саховатпеша фермерлар истиқомат қилади. Қишлоқ мулкдорларига айланиб бораётган фермерлардан бири Алар Маҳадов ташаббускорлиги, тиниб-тинчимаслиги боис ҳудуд ободлиги ва аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшиб келаётир. У ўзи раҳбарлик қилаётган «Абдураҳмон Маҳад» фермер хўжалигига кўплаб маҳалладошларини ишга олди. Қолаверса, у хўжалик ходимларининг даромадлари ошиши, саломатликларини мунтазам мустаҳкамлаб бориши учун жон куйдиради. А.Маҳадов ҳар бир ишда маҳалла фуқаролар йиғини билан маслаҳатдош, елкадош. Қадрдон ва таъсирчан тузилманинг имкониятлари, ваколатлари доирасида фермер унга яқин ёш оилани ижтимоий муҳофазалашга бош-қош бўлиб келмоқда. Олтин олма, дуо ол деганларидек, эл-улуснинг олқиши, дуоси фермернинг муваффақиятларида намоён бўлаётир.

— Хўжаликдаги кўплаб тадбирларни маҳалла билан биргаликда ташкиллаштиряпмиз, — дейди фермер. — Хўжалик даромадидан «Янгижейнов» ва «Анхўй» маҳаллаларида истиқомат қилаётган ўн нафар кам таъминланган оилага уй-рўзғор буюмлари харид қилишда кўмаклашдик. Талаба Рамзиддин Хонқуловга тўлов-шартнома пулини ўтказиб беришга ёрдамлашдик.

Жейнов қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шоди Қурбоновнинг таъкидлашича, юқори кўрсаткичларга эришаётган кўплаб фермер хўжаликлари раҳбарлари маҳалланинг саранжом-сариштa, кўркам ва обод бўлишида астойдил ҳаракат қилмоқда. Улар ибратли ишлари билан маҳалла ёшларига сезиларли таъсир ўтказишяпти. Бундай эзгу ишлар бардавом экан, ҳудудлар гуллаб-яшнайверади, қалбларда бунёдкорлик иштиёқи жўш ураверади.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# МОЛИЯВИЙ КЎМАК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ



**Мамлакатимизда олиб борилаётган молия-банк тизимидаги ислоҳотлар натижасида бугун юртимизда фаолият юритаётган банк муассасалари катта-кичик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг энг ишончли ҳамкорига айланди.**

Негаки, ялпи ички маҳсулот ҳажми, аҳолининг реал иш ҳақи ва даромадлари ўсишида, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида ўз харидорига эга бўлишида, ижтимоий объектлар ва турар-жой бинолари барпо этишдек кенг кўламли бунёдкорлик ишларида қўлга киритилаётган улкан ютуқларда айнан банк муассасаларининг молиявий кўмаги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда барқарор ва ишончли фаолият юритиб келаётган республикамиз банклари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиб келаётир. Жумладан, «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ҳам молия бозорининг барча йўналишларига ўз хизматларини тақдим этиб, фаолият доирасини кенгайтирмоқда.

«Агробанк» ОАТБнинг Хоразм вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий филиалларида иқтсодиётимизнинг энг ҳаракатчан ва самарали бўғини — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, ўтган Мустаҳкам оила йилида ажратилиши режалаштирилган 29 млрд. 800 млн. сўмлик банк кредитлари ўрнига 34 млрд. 365 млн. сўм миқдорида маблағлар ажратилди.

Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори аҳоли фаровонлигини, дастурхонлар тўкинлигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлди. Қарор ижроси юзасидан ушбу муассасанинг Хоразм вилоят бошқармаси ва филиаллари томонидан ўтган йил давомида 8 млрд. 945 млн. сўм ажратилиб, белгиланган прогноз 122 фоизга бажарилди.

Ҳар бир ҳудуднинг ички имкониятлари, салоҳиятидан унумли фойдаланиш, сертармоқ соҳаларни ривожлантира билиш мамлакатнинг иқтисодий истиқболини ҳам белгилайди. «Агробанк»нинг Янгиариқ филиали томонидан «Хоразм балиқ» МЧЖга балиқчиликни ривожлантириш мақсадида 300 млн. сўм кредит ажратилгани туфайли 25 нафар маҳаллий ёш доимий иш билан таъминланди. Қолаверса, вилоят аҳолисининг сифатли ва шифобахш парҳез маҳсулотга эҳтиёжи қисман қопланди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган хайрли мақсадлар учун 2012 йили банк томонидан 6 млрд. 533 млн. сўм банк кредитлари ажратилиб, белгиланган прогноз 106 фоизга бажарилишига эришилди. Масалан, Ботир Бекчанов раҳбарлигидаги «Кўшкўпир силикат» МЧЖнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мақсадидаги умумий қиймати 1 млрд. 300 млн. сўмлик лойиҳаси муассасанинг Кўшкўпир филиали томонидан тўлиқ молиялаштирилди. Бунинг натижасида 30 та янги иш ўрни очилди.

Шунингдек, «Карвон мебель савдо» хусусий корхонасига пластик ромлар ва мебель жиҳозлари ишлаб чиқариши учун ажратилган 150 млн. сўмлик кредит эвазига маҳаллий аҳолининг талаблари тўлиқ таъминланмоқда.

Тадбиркорликда шуҳрат қозонаётган, миллий анъана ва қадриятларимизни давом эттираётган ҳунарманд ва ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳам банк эътиборидан четда қолгани йўқ. Шу мақсадда 3 млрд. 721 млн. сўмлик кредитлар ажратилгани кўплаб аёлларнинг ўз имконият ва қобилиятини намоён этишларида, фаолиятини изчил йўлга қўйиб олишларида таянч манба бўлди.

Оилавий тадбиркорлик — кичик бизнеснинг янгича ва энг самарадор шакли. Уни ривожлантириш оилаларга файз киритади, ҳунармандчиликни кенгайтиради. Банкнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан 2012 йил давомида оилавий тадбиркорлик ривожи учун 517,5 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Уддабурон ва узоқни кўра биладиган тадбиркор — молия бозорида манфаатли ва ишончли ҳамкор саналади. Хушнуд Бекметов хонқалик ишбилармон. У бир неча йиллардан бери «Агробанк»нинг Хонқа филиали хизматларидан фойдаланиб келади. Ўтган йили у раҳбарлик қилаётган «Хонқа чевар» МЧЖга трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш мақсадида банкдан 250 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада 15 та янги иш ўрни очилиб, шунча оилага қут-барака кирди.

Хулоса қилиб айтганда, «Агробанк» ОАТБнинг Хоразм вилоят бошқармаси жорий «Обод турмуш йили»да ҳам қатор устувор вазифаларни бажаришни режалаштирган. Молия бозорида мустаҳкам ўринга эга бўлишга интилаётган муассасада мижозлар ишончини қозониш ва мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида изланишлар давом эттирилмоқда.

Ю.ХОЖИЕВА
«Mahalla»

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

# ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТИЁР БОЛАЛАРИ



< [1]

«Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инссад» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган. Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон — шунга эътибор беринглар — дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган».

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида тилга олинган бу эътироф миллионлаб юртдошларимизга чексиз ғурур туйғусини бахш этгани, шубҳасиз. Қолаверса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири давом этаётган бир пайтда юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизи йўналтирилаётганини бундай эътирофнинг мустаҳкам асоси сифатида баҳолаш жоиз. Энг муҳими, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялаш учун сарфланаётган бу маблағлар харажат эмас, балки келажакка қўйилаётган улкан сармоядир.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик давлатимиз раҳбарининг: «Ҳар биримизда ғурур туйғуси бор, лекин бу туйғуни амалий ишлар билан янада мустаҳкамлаш керак», деган қанотбахш сўзларига ҳамоҳанг эканлиги билан аҳамиятлидир.

— Бу ҳақда гапирганда, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни, унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганини қайд этиш ўринли, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Гавҳар Алимова. — Ана шу тадбирлар самараси ўлароқ, юртимиздаги 4,5 миллиондан зиёд ўқувчининг 76 фоизи мактаблар ва «Баркамол авлод» болалар марказларида ташкил этилган фан, мусиқа ва санъат тўгаракларида, спорт машғулотларида қатнашмоқда.

Навқирон авлод вакиллари қалбида миллий ва умуминсоний қадриятларга ворислик ҳиссини оширишга доир ишларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этаётгани эътиборга молик. Жумладан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида барча маҳаллаларда Маънавий-маърифий тарғибот комиссияси, «Маънавият хоналари», 3400 дан зиёд маҳаллада ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Фуқаролар йиғинлари қошида «Ота-оналар университетлари»нинг тузилгани оилада соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ота-оналарнинг ҳуқуқий, психологик, маънавий-ахлоқий билимини ошириш имконини бераётир.

Фонднинг барча ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан халқ таълими, ўрта-махсус таълим бошқармаларининг қуйи тузилмалари билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларида «Бола тарбияси — келажак меваси», «Илм ол, ҳунар ўрган», «Танлаган касбинг — сенинг келажагинг!» ҳамда «Етук мутахассис — тараққиёт гарови» мавзуларида ота-оналар мажлиси ўтказиб келинмоқда.

Фуқаролар йиғинлари ҳудудида вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этиш учун комиссия фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги «Вояга етмаганлар, ёшлар, спорт ва соғломлаштириш масалалари бўйича комиссия» низоми лойиҳаси тайёрланди. Комиссия фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, фуқаролар йиғинларига етказилди.

Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш мақсадида 5645 марта давра суҳбати, 690 марта учрашув, 30 та семинар ўтказилди. Мазкур тадбирларга 434 минг 200 нафардан зиёд аҳоли жалб этилди.

Республикамиздаги барча маҳаллаларда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, масъулият ҳиссини ошириш бўйича ибратли оилалар билан 5000 дан ортиқ учрашув ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг ҳамкорлиги улкан муваффақиятларга замин ҳозирламоқда.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР

# «ҲАММА ҲАЙРОВГА...»

**Узоқроқ маҳаллада истиқомат қилаётган тўнғич ўғлининг ҳовлисидаги аҳволни кўриб Бегмурод аканинг хуноби чиқди:**

— Бу нима аҳвол, инсон ўзи яшайдиган жойни ҳам шундай қаровсиз ташлаб қўядими?! Нега ҳаммаёқни янтоқ, бегона ўт босиб кетган? Улар ҳам кўм-кўк бўлиб тургани йўқ, қуриб-қовжираб ётибди. Кўпчиликсизлар, ул-бул экиб олсанглар бўлмайдими?

— Айтаверасиз-да ота, деҳқончилик қилишга сув қайда, ичимлик сувини аранг топяпмизу.

— Ношукур бўлма, болам, ҳозиргина сеникига келишда кўрдим, бир кублик лоток ариқ тўлиб оқяпти, салгина тер тўксанглар маҳаллангизга шарқираб сув келади, ярим чақирим масофага ариқча тортиш шунчалик мушкулми?

— Ариқ торттандик, — тўнғиллади ўғли ялқовлик қилганини хаспўшлаш учун. — Ўтган йили... қаровсизликдан ариқча кўмилиб кетди.

— Ундай бўлса, тозалаш керак.

— Бир ўзимми?

Ота ўғлига гап уқтиролмаганидан хафа бўлди. Эсини таниб, деҳқончиликнинг ҳалол нонини егани боис, бу ҳолатга бефарқ қараб туролмади, эскитускилар қалашиб ётган бурчакдан кетмонни топиб ишга шайланди:

— Қўйинг ота, озиб-ёзиб бир келибсиз, сўрига чиқиб оёқни чўзинг, гурунгдан олинг, иш бўлса ўзимиз қиламиз, — деди фарзандлари олдида мулзам бўлган ўғли.

— Минг ишчига бир бошчи дейишган, ой ёруғида бўлса ҳам ҳовлини тозаламасак, ичмайман чойингни.

Бегмурод аканинг шаштини қайтаролмаган ўғли, набиралари унинг қаватига киришди. Эркаклар шох-шаббаларни чопиб, ер беллашса, аёллар чиқиндиларни йиғиб ёқишди.

— Ота, ҳеч ўз билганингиздан қолмайсиз-да, — минғирлади тўнғичи дастурхон бошига йиғилишганда. — Сув келмаса, ерни беллаб, жўяк чиқарганимиздан нима фойда?

— Сув масаласини эрталаб ўйлаб кўрамиз. Тонг отсин, қўни-қўшниларни ҳайровга чақирамиз. Аммо одам яшайдиган жойини ҳар қандай шароитда ҳам ораста тутиши керак.

— Бобо, ҳайров дегани нима, — сўради кичкинтой набираси.

— Деҳқонларнинг биргалашиб ариқ-зовурларни қазиши, тозалашини ҳайров дейишади. Эсимни танибманки, ҳар йили қиш, баҳор ойларида ҳайровга чиқаман. Сув йўли равон бўлса, қатраси зарга қиёсланган обиҳаёт исрофгарчилигига йўл қўйилмайди, вақтида сув ичган экин яшнаб, ҳосилга ҳосил қўшади, тушундингми, болам.

— Тушундим, эртага мен ҳам сиз билан ҳайровга борсам, майлими?

— Майли, ўғлим, тонг азонда уйғотаман. Ёшликдан меҳнатга қайишиб ўсган одам асло кам бўлмайди.

Бегмурод ака анча маҳалгача набираларига қишлоқларда асрлар оша шаклланиб, одамларни аҳилликка, яхшиликка чорлаб келган удумлар ҳақида гапириб берди. Шафақ қизариб, бобоқуёш ўз ётоғидан бош кўтараётган палла маҳалла аҳли унинг:

— Туринглар, биродарлар, ҳамма ҳайровга, — деган даъватидан уйғонди.

Тушга яқин эса ўт-ўланлардан тозаланган ариқдан маҳалла хонадонларига оби ҳаёт кириб келди.

Абдунаби АБДИЕВ.
Миришкор тумани.

АЁЛЛАР СПОРТИ

# ҚИЗЛАРГА ДУГОНА БЎЛГАН МУРАББИЙ

**Малоҳат қизининг бўйи тенгдошлариникидан анча паст ва кейинги пайтда унинг секин ўсаётганидан ташвишлана бошлади. У шу кунйёқ қизини болалар шифокорига олиб борди. Ҳартугул, Сарвинозда жиддий хасталик йўқ экан, фақат бироз дармонсиз эканини айтишди, холос.**

Малоҳат дарҳол дорихонадан болалар учун фойдали дармондори сотиб олди, энди қизининг тўғри овқатланишига эътибор қаратишни кўнглига тугди. Маҳаллада бадиий гимнастика тўгараги очилганини эшитганида қизчасини соғлом ўстириш йўли топилганидан суюниб кетди. Мураббий Гулжаҳон ҳам жуда меҳрибон, болажонлар билан тез тил топишадиганлардан экан, уч-тўрт кундаёқ Сарвинознинг «дугонаси»га айланди.

Гулжаҳон Муҳиддинова Қизилтепа туманидаги «Оқмачит» маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бадиий гимнастика тўгараги раҳбари. Айни пайтда у 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган 56 нафар қизалоққа нафис спорт тури бўйича маҳорат сирларини ўргатмоқда. Унинг шогирдлари туман миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда доимо ғолиб. Вилоятда ҳам бир неча бор фахрли ўринларни эгаллашган. Айниқса, Барчиной Бахшуллаева, Жамила Исмоилова, Дурдона Камоловалар алоҳида иқтидори билан назарга тушишган.

У 2003 йилда Навоий давлат педагогика институтини битириб, тумандаги 13-умумий ўрта таълим мактабида жисмоний тарбия фани ўқитувчиси сифатида иш бошлади. Очиғи, қишлоқ жойда қиз боланинг жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиши айримларга унчалик маъқул келмаганди ўшанда. Бироқ маҳалла фаоллари, айниқса, йиғин раиси Мавжуда опа Шарипова ёрдамида мактабда қизлар учун очилган волейбол, баскетбол ва стол тенниси тўгаракларига аъзоларни тўплади. Бугун маҳаллада ҳамма спортни севади, ҳатто оилали аёллар ҳам ишдан кейин гимнастика залига келиб, турли машқларни бажаришади.

— Турмуш ўртоғим Улуғбек Ҳамидов тадбиркор, «Ҳалим бобо» фермер хўжалиги раиси. У киши ҳам мени қўллаб-қувватлаб, тўгарагимиз учун ҳомийлик қилиб турадилар, — дейди мамнун жилмайиб Гулжаҳон. — Қизалоғим Рухшона ҳозир 5 ёшда, уч ёшидан буён бадиий гимнастика билан шуғулланади. Спортнинг бу нафис тури қизлар учун жуда фойдали. Гимнастикачи қизлар соғлом улғаяди, қоматлари чиройли, ўзлари чаққон бўлишади. Бундан ташқари, бадиий гимнастика спортнинг бошқа турлари каби инсоннинг иродасини чиниқтиради, уни қатъиятли қилади. Тўлақонли соғлом бўлмаган қизалоқлар гимнастика билан шуғуллангач бутунлай соғайиб кетишганини ўз тажрибамда бир неча марта кўрдим. Шу боис ота-оналар буни тўғри тушуниб, қизалоқларини бадиий гимнастика тўгаракларига беришларини истайман.

...Жозибадор мусиқа янгради. Қизалоқлар устозлари кўрсатмасига биноан чиройли ҳаракатлана бошлашди. Улар гўё жажжи капалакларга ўхшайди. Ватандек табаррук бўстонда Гулжаҳон каби мураббийларнинг меҳр ва эътиборидан баҳраманд капалакларга...



Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# УМРИМИЗГА, МУЛКИМИЗГА ДАХЛДОР

**Мамлакатимиздаги ҳар бир моддий-маънавий бойликни асраш, уларни турли нохуш ҳодисалардан, жумладан, ёнғин балосидан ҳимоялашда ҳар биримиз масъулмиз.**

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг туман бўлимлари масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда мунтазам равишда моддий бойликларни, аҳоли турар-жойларини ёнғинлардан муҳофаза этиш мақсадида турли тадбирларни ўтказиб келаётир.

Мазкур тадбирлар давомида хўжалик ва ташкилот, корхона ва муассасаларда, кенг омма ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидалари тарғиб қилинаётир. Фуқаролар ўртасида ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларига нисбатан онгли муносабат уйғотилмоқда. Халқимиз меҳнатининг маҳсули — моддий бойликларни ёнғин офатларидан сақлаш юзасидан йўл-йўриқлар берилиб, аҳоли яшаш жойларида хавфсизлик чоралари кўриляпти.

Таъкидлаш ўринлики, давлат ёнғин назорати органлари ходимларининг маҳалла фаоллари ва жойлардаги профилактика инспекторлари билан ҳамкорлиги бу ишлар самарадорлигини таъминлайдиган омиллардан. Шу боис, тарғибот тадбирларимизда ушбу ноёб тузилманинг таъсирчан кучидан, катта ҳаётий тажрибага эга отахону онахонларнинг маслаҳатларидан унумли фойдаланяпмиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатаётирки, аксарият ҳолларда ёнғин аҳоли яшаш жойларидаги носоз ва қўлбола газ ҳамда электр иситиш анжомларидан фойдаланиш, болаларнинг гугурт ва бошқа ёнғин чиқишига олиб келувчи жиҳозларни ўйнаши оқибатида рўй беради. Оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, бепарволик оқибатида мол-мулкидан, ҳатто жонидан ҳам айрилганлар борлиги аянчли.

Халқ хўжалиги масканлари биноларида ёнғинга қарши таклиф ва талабларни бажармаслик, битта электр улагичга бир нечта кучли қувватга эга электр жиҳозларини улаш оқибатида қисқа туташувлар содир бўлиб, ёнғинлар юзага келмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда хорижда ишлаб чиқарилган турли хил газ ва электр иситиш печларидан фойдаланилаётир. Уларнинг бежиримлиги эътиборни тортади, албатта. Аммо ҳар қандай мосламани ишлатишдан олдин, унинг йўриқномаси билан танишиш, қай тартибда фойдаланиш лозимлигини обдон ўрганиб олиш талаб этилади. Ушбу қоидаларга беписанд қараганлар эса, ўзи ҳамда оила аъзолари ҳаётини хавф остига қолдиришлари тайин.

Тартиб, масъулият, интизом бор жойда муаммоларга ўрин қолмайди. Шундай экан, ҳаётмамот масаласига дахлдор ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доимо риоя қилмоқ даркор.

Тоҳир НАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар ЁҲБ
12-ХЁҲО 23-ХЁҲҚ
бошлиғи ўринбосари.




## Йўловчи автобус ҳалокати

**Лос-Анжелес яқинидаги тоғ йўлида кетаётган автобус кичик юк машинасига урилиб, ағдарилган.**



«Redlands Daily Facts»нинг хабар беришича, бу бахтсиз ҳодиса Форест-Фоллс қишлоғида юз берди. Автобус Тихуанадан йирик тоғ чанғиси дам олиш маскани жойлашган Биг-Бер кўли томон бораётган эди.

АҚШда содир бўлган мазкур ҳалокат оқибатида ўнга яқин одам ҳалок бўлди ва яна йигирма киши турли даражада тан жароҳати олди.

Маҳаллий қутқарув хизмати ходимларининг сўзларига кўра, автобусда жами 39 киши бўлган. Жароҳатланганлар яқин орадаги шифохоналарга жойлаштирилди.

## Маҳбуслар қочиб кетди

**Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейро шаҳридаги «Висенте Пиражибе» қамоқхонасидан ўттизга яқин маҳбус қочди. Воқеа тунда рўй берди.**

Маҳбуслар канализация қувурлари орқали озодликка чиқишган. Тўрт нафар маҳбус қўлга олинди. Маҳаллий полиция айни вақтда қидирув ишларини давом эттирмоқда. Қамоқхона қўриқчилари терговт қилинмоқда.

«Висенте Пиражибе»даги канализация орқали қочиш биринчи бор рўй берганига қарамай, маҳаллий оммавий ахборот воситалари бу вазиятда турма маъмуриятини айбламоқда. Хабарларга қараганда, 1700 нафар маҳбус сақланадиган мазкур қамоқхонани баъзи вақтларда атиги ўн нафар навбатчи қўриқлайди. Қочоқ маҳбуслар қўлга олингач, бошқа турмага жойлаштирилади.

## Электр тежалади

**Франция ҳукумати электр энергиясини тежаш тўғрисида қарор қабул қилди.**



Унга кўра, 2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб нотурар жойлар эгаларидан тунги вақтларда ташқаридаги чироқларни ўчириб қўйиш талаб этилади. Жумладан, нотурар жойлар ва дўкон пештахталаридаги ёритиш ускуналари тунги соат 01:00 дан эрталабки соат 07:00 гача ўчирилади.

Қолаверса, иш жойларининг ички ёритиш тизимлари, масалан, офислар чироқлари ҳам ходимлар бинони тарк этганидан сўнг узоғи билан бир соат ўтгач ўчирилиши керак.

Франция Экология вазирлиги маълумотларига кўра, ушбу чоралар натижасида йилига 2 ТВт электр энергиясини тежаш режалаштирилган. Бу миқдор тахминан 750 минг хонадонга етадиган электр энергиясига тенг. Янги қарорда назарда тутилган қоидалар кўчаларни ёритиш тизими ва меҳмонхоналар учун қўлланилмайди. Шунингдек, байрам кунларида, мавлуд таътили вақтида ҳам ушбу чеклов амал қилмайди.

## Оммавий семириш эпидемияси

**Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) дунёда семириш эпидемияси бошланганини расман эълон қилди.**

Маълумотларга кўра, тўрт йилдан сўнг сайёрамизда 2,3 миллиард нафарга яқин одам семириш ва у билан боғлиқ касалликлардан азият чекади.

ЖССТ раҳбари Маргарет Чен ер юзи аҳолисини табиий ва фойдали озуқа истеъмол қилишга даъват этиш лозимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, Чен арзон ва сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган тадбиркорларни қаттиқ танқид остига олиб, барча мамлакатлар раҳбарларини ҳар қандай йўл билан семириш эпидемиясини тўхтатиш чораларини кўришга чақирди.

Бир қанча давлатларда аллақачон эпидемиянинг олдини олиш чора-тадбирлари бошланиб кеттан. Масалан, Руминия ва Канадада «фойдасиз ва сифатсиз углеводлар» учун фастфуд кафеларига қўшимча солиқ тўлаш чораси белгилаб қўйилган.

Охирги 30 йилда дунёда семириш оқибатида келиб чиқадиган касалликлар билан хасталанган кишилар сони икки баробарга ошган. Оммавий тўлишишнинг асосий сабаби эса, кам ҳаракатлик ва соғлиққа зарарли тезпишар, ярим тайёр озиқ-овқатларни кўп истеъмол қилиш экани айтилмоқда.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ
Тошкент автомобиль йўллар институти балансидаги 1992 й. и/ч, д/р 10ВВ409 бўлган «ГАЗ-31029» ва 2000 й. и/ч, д/р 10AF759 бўлган «ГБА СНГ ГАЗ-3110» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви жамоаси Ташкилий ва кадрлар бўлими етакчи мутахассиси Воҳид Ўринбоевга падари бузруквори
Озод отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ф.Эгамова
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

info@mahallagzt.uz
23841 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6355
Топшириш вақти — 21.30
Топширилди — 21.00